



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sduv.uz

2021 -yil "26" mart

Қ-220 -son

Termiz sh.

**Денов туманидаги "Ўзбекистон" СИУ
худудидан "AGRO JAS FRUIT" оилавий
корхонасига енгил конструкцияли
"Иссиқхона" қуриш учун ер майдони
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 12 февралдаги 05-02/89-сон йиғилиш баёни, Денов туман ҳокимининг 2020 йил 18 декабрдаги 01-36/1171-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Денов туманидаги "Ўзбекистон" СИУ худудидан "AGRO JAS FRUIT" оилавий корхонасига туман ҳокимлиги захира ер фондидан кишлок хўжалик харитасининг 38қ, 39қ ва 290қ-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 48,0 ва 54,0 балл бонитетли жами 4,7 гектар суғориладиган экин ер майдони, шундан 1,0 гектарига енгил конструкцияли "Иссиқхона" қурилиши учун ва 3,7 гектарига боғ ва узумзор ташкил этиш учун (49 йил) муддатга ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. "AGRO JAS FRUIT" оилавий корхонаси раҳбари О.Олимовга:
иссиқхона учун ажратиб берилган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;
етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;
мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратиб берилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олинishi кўрсатиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов